

---

## БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ЗУЛАЙҲО МАҲКАМОВА ФАРҒОНАДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Бугун Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова иштирокида Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи”да сайёр қабул ташкил этилди.

Қабул давомида уй-жой олиш ва таъмирлаш, имтиёзли кредит олиш, бандлик, саломатлигини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланма олиш, шунингдек, оиласвий низоларни ҳал қилиш каби масалаларда амалий кўмак кўрсатилишини сўраб 40 нафарга яқин хотин-қизлар мурожаат қилдилар. Уларнинг 25 таси қабул чоғида ижобий ҳал этилиб, қолган масалалар ўрганиб чиқилиши учун муддатлар белгиланди.

Шу куни Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ёки бошлаш истагида бўлган, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган бир гуруҳ хотин-қизларга тикув машиналари ҳамда пиширик печлари топширди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-11 17:19:39